
САЙЁР ҚАБУЛЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

2021 йил 19 июнь куни соат 10:00 дан Марғилон шаҳар Ғураввол маҳалла фуқаролар йиғинида Фарғона вилоят судининг раиси, раис ўринбосарлари ҳамда судьялардан тузилган ишчи гуруҳ томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг мурожаатларини тааллуқлилигига қараб тўғри йўналтириш ҳамда ҳуқуқий тушунтиришлар бериш учун сайёр қабул ўтказилади.

Сайёр қабулга кириш истагини билдирган фуқаролар қабул кунига қадар жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судига мурожаат қилиб, рўйхатдан ўтган ҳолда қабулга ёзилишлари мумкин.

Маълумот учун телефон рақами: 73-253-33-67

2021-06-18 16:18:19